

Манзила ҚУРБОНОВА,

Бухоро давлат университети, Бухоро тарихи кафедраси
доценти, тарих фанлари номзоди

МУЧАЛ БУХОРОЛИКЛАРНИНГ ТАҚВИМИЙ, ҚАДРЛИ МАРОСИМИ

Бугунги кунда оилавий маросимлар қаторидан мустаҳкам ўрин олган мучал ва унинг билан боғлиқ анъаналарни ўрганиш тадқиқотчилар назаридан четда қолмаган.

Азал-азалдан Осиё халқларида ўн икки жонивор (сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товук, ит, тўнғиз)нинг номи билан аталадиган ва ҳар ўн икки йилда янгидан такрорланадиган йил ҳисобини юритиш тизими (мучал) қўлланиб келинган.¹ Мучал Шарқ халқларида қадим замонлардан кенг тарқалган йил ҳисоби² кишилар туғилиш, ўлиш, жанглар, буюк воқеалар, ҳатто йилнинг яхши ёки ёмон келишини шу мучал тақвими асосида ҳисоблаганлар. Шунинг учун бўлса керак, бухороликлар қадимдан “йил ағдариш” (тож. “солгардони”)ни ёддан билишган ва буни билимдонлик, деб ҳисоблашган.³

Аждодларимиз мучал тақвимини табиий, уни табиат ҳодисаларидаги ҳар ўн икки йил давомида ўзгаришлар рўй бериши билан боғлиқ, деб билганлар. Бу ҳақда жуда кўп афсоналар яратилган. Масалан, қадим япон

афсоналарининг бирида йиллар бир-бирига ўхшаш, зерикарли ўтаётгани учун Будда Янги йил арафасида ер юзидаги барча ҳайвонларни маслаҳатга чақиргани ҳақида ривоят бор. Ҳурмат бажо қилиб келганлар, албатта, совға саломлар билан тақдирланади, уларнинг ҳар бирига алоҳида бир йил инъом этилади, деб ваъда қилган экан. Будда ҳузурига атиги ўн иккита жонивор: сичқон, ҳўкиз, йўлбарс, қуён, аждарҳо, илон, от, қўй, маймун, ҳўроз, ит, тўнғиз келибди. Шундай қилиб, ўн икки йил ўн иккита ҳайвон номи билан аталган. Мучал йилларининг сони, тартиби доимий ва ҳеч қачон ўзгармаган.

Қадимдан ёзма манбаларда кўрсатилишича, мучални дастлаб, Юнон-Бақтрия подшолиги даврида (мил.ва. 250–130 йй.) кўчманчи чорвадор халқлар яратган, сўнгра, Мўғулистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Эрон, Афғонистон, Ироқ ва Ўрта Осиё мамлакатларига тарқалган. Бу ҳисобнинг ватани Хитой ва Миср, деган маълумотлар ҳам бор.⁴

Бухоро воҳасида Наврўз кириши билан янги йил қайси жониворнинг номи билан аталишига

¹ Шомаксудов Ш., Шорахмедов Ш. Ҳикматнома. Т.: 1990. – Б. 399.

² Шарқ мучали. Т.: “Ният” нашриёти. 1991

³ Дала ёзувлари. Бухоро шаҳри, 2001 йил.

⁴ Раҳмонқулов З. Хронология. Ўқув қўлланма. Т.: 2006. – Б. 91.

караб, одамлар ўз мучалини маросим сифатида нишонлашга одатланишган. Ушбу маросимни баъзи тадқиқотчиларимиз 12 ёшни тўлдириб, 13 ёшга қадам қўйган йигит ва қизларимизни алқовчи маросим дейишса⁵, бошқалари эса мучал ёши нафақат 13 ёшда, балки 25, 37, 49, 61, 73, 85 ёшларда ҳам махсус нишонланилган оилавий тадбир деб таъкидлайди⁶. Хусусан, фольклоршунос Б.Шермухаммадов мучални нишонлаш Бухоро вилоятида одатга айланганини қатъий таъкидлайди.⁷

Хусусан, биринчи мучални нишонлаш жараёнида мучал ёшига кирган ўғил ва қизларга бошдан оёқ янги кийимлар (тож, сарпо) кийдириш анъанага айланган. Маросим сабабчисининг сарполари ранги оқ бўлишига ҳаракат қилинган. Бу рангнинг танланишидан мақсад йўли ойдин, келажаги порлоқ, бахтли бўлишига ишорадир. Айниқса, қиз боланинг ясан-тусанига алоҳида аҳамият берилган. Бу билан уларнинг бўйи етганлиги махсус кўз-кўз қилинган ва жамоага билдирилган.

Этнология фани соҳасида воҳа турли аҳоли манзилларида қизларнинг балоғатга етиши арафасида 10–12 ёшида узун халат-калтача кийдирилиб ёшини нишонлаш маросими ҳатто тўйдек ўтказилганлиги таҳлил этилган⁸. Этнограф О.А.Сухарева ҳам Бухорода калтачани XIX аср охири XX аср бошларида биринчи марта 12 ёшни тўлдирган қизларга кийдиришган, кейинчалик эса бўлажак келиннинг ҳар бир қўйлаги учун алоҳида калтача тикиб, унинг сепига олиб қўйилган, деб ёзади.⁹

Каттачапўшон маросими фақат 12 ёшни тўлдириб 13 ёшга қадам қўйган қизлар учун

ташқил қилинган. Бухоро ва Самарқандда мусулмон аҳоли орасида XIX асрнинг охириги ўн йилликларида қиз боланинг биринчи мучалида каттачапўшон маросими ўтказилган. Қизга ёши улуг, бахтли аёл биринчи марта калтача кийдирган¹⁰. Маросим худди мучал тўйидек давра ўртасида меҳмонлар йиғилгач бошланган, яқин қариндош-уруғлар эса унга аталган совғаларни бирин-кетин ҳадя қилганлар. Бироқ, бу маросим ҳозирги кунда деярли ўтказилмайди, хотин-қизларимиз эса калтача кийиш одатини унутишган. Фақат маросимни кекса онахонлари ҳаёт хонадонларда рамзий ҳолатда бажаришга ҳаракат қилинади. Масалан, оилаларда мучал ёшига кирган онаси, опаси билан бир қаторда 5-6 ёшли қизалоққа ҳам “қатордан қолмасин” қабилида “каттачапўшон” сарпоси кийдирилган. Бу жараён маросимларимизнинг бир шаклдан иккинчи шаклга айланиши, яъни трансформациялашувидан дарак беради. Маросимлар тизимида жадаллик билан мазкур жараённинг рўй бериши ўз навбатида аҳолининг иқтисодий ва маънавий турмуш-тарзидаги ўзгаришлар билан боғлиқ.

“Калтача” Бухоро воҳасида ўзининг классик шаклинигина эмас, балки узоқ вақт кундалик ва тўй маросимларида кийилган халат сифатидаги вазифасини ҳам сақлаб қолган эди¹¹, деб таъкидлайди Ф.Д.Люшкевич. “Калтача” атамаси деганда, Бухоро воҳасида анча машҳур хотин-қизлар кийими тушунилади, ундан турар-жойига боғлиқ бўлмаган ҳолда Бухоро яхудийлари ҳам фойдаланганлиги, уларнинг анъанасида ҳам қиз боланинг балоғатга етиш

⁵ Сафаров О., Махмудов М.Оила маънавияти. Т.: 1998. – Б. 72.

⁶ Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. Т.: 1991. – Б. 142.

⁷ Шермухаммадов Б. Назми халқии бачагонаи тоҷик (та-свир ва таҳқиқи мухтасар). Душанбе, 1973. саҳ. 26.

⁸ Жумаев А.Ш. “Каттачапўшон” маросими. / Нақирон Бу-хоро илмий ва адабий-бадиий жарида. 1992. 5-сон, — Б. 35-38.

⁹ Сухарева О.А. История Среднеазиатского костюма. Самарканд (2я- половина XIX – начало XX в.) М., 1982. – С. 39-40.

¹⁰ Сухарева О.А. История Среднеазиатского костюма. Самарканд (2я- половина XIX – начало XX в.) М., 1982. – С. 39-40.; Люшкевич Ф.Д. Одежда этнических групп населения Бухарского оазиса и прилегающих к нему районов. Первое половина XX в. (Опыт сравнительной характеристики) // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. М.: Наука, 1989. С.127.

¹¹ Люшкевич Ф.Д. Этнографические особенности таджикского населения Бухарского оазиса (конец XIX – начало XX в.) Автор. на соиск. учен. степ. канд... ист. наук. Ленинград, 1975. – С. 14.

жараёни “бат-мицва” дейилиши, қизларга худди шу ёшдан калтача кийдирилганлиги, бироқ “катачапўшон” маросими ўтказилганми ёки йўқми сингари масалалар мутахассис олима Т.Г.Емельяненко томонидан махсус ўрганилган.¹²

Воҳада сарпо кийдириш жараёни фақат биринчи мучал ёшидагина эмас, ҳатто кейинги, яъни 25, 37, 49, 61, 73, 85 ёшларда ҳам такрорланган. Этнология фанида инсоннинг бир ёш босқичидан иккинчисига ёки бир ижтимоий ҳолатдан бошқасига ўтиши кўп ҳолларда унинг кийимлари ўзгаришига ҳам сабаб бўлганлиги аниқланган.¹³

Халқ орасида қадимдан мучал ёшига қадам қўйган ҳар бир инсон йил давомида (13 ёшга кирган фарзандлар учун албатта ота-онаси) хайр-садақа бериб юришига амал қилинган. Чунки бу хайр-садақалар мучал ёшидагиларни турли хавф-хатарлардан соғ-омон асрайди, деган тасаввурларга ишонишган. Хайр-садақанинг турли хил шакллари имконият даражасида қўлланилган. Оддий шакли қариндош-уруғлар ва қўни-қўшниларга улуш тарқатишдир. Бухорода улуш тарқатиш қадимий одат бўлиб, ҳар бир маросимда ўзига хос тартиби яратилган¹⁴. Айниқса, оилада икки ёки ундан ортиқ аъзоларнинг мучал ёши (масалан, ота ёки онаси 37 ёшда, ўғил ёки қизи 13 ёшда) ни нишонлашга тўғри келиб келса, албатта, худойи таомлари, асосан, софи ош, халиса, сумалак пиширилиб элга тарқатилган. Бундан ташқари, ўзи яшаб турган маҳалласи аҳлининг тўй-маросимларида ишлатиш учун бирор буюм

(масалан, идиш-товуқ ва ҳатто катта қозон) ҳадя қилинган.

Бугунги кунда Бухоро воҳасида мучал тўйининг ўзига хос замонавий кўринишлари шаклланиб бормоқда. Булардан бири шаҳар ва қишлоқларда, тўйхоналарда зиёфат уюштириб, мучал тўйини ўтказиш. Яна бири эса катта қозонларда сумалак пишириб, қариндош-уруғ, маҳалла аҳлига тарқатиш, мактабларда, яъни 13 яшар ўғил-қизлар бутун синфи жамоаси билан ижтимоий тантана сифатида нишонлаш бўлса¹⁵, оилаларда жонлиқ сўйиб, унинг гўшти “хом талош”¹⁶ шаклида тарқатилади.

Кундалик ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган мучал маросими ва у билан боғлиқ урф-одатлар бухороликлар турмушининг ўзига хос жиҳатлари, эътиқод ва расм-русумларини, ҳар бир кундан масрурлик ва шукрона туйғуларини ўзида мужассам этгани билан қадрлидир.

¹² Емельяненко Т.Г. Традиционный костюм Бухарских евреев: этнокультурный аспект. Санкт-Петербург. Изд. “Петербургское Востоковедение”. 2012. С.159164.

¹³ Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик (XIX аср хоирӣ XX аср). Т.: 2006. – Б. 143.

¹⁴ Бу ҳақда қаранг. Шермухаммедов Б. Назми халқи баҷагонаи тоҷик (тасвир ва тақии мухтасар). Душанбе. 1973. саҳ. 155. Махмудов М., Бердиев Б. Луғати мухтасари лахчаҳои Бухоро. Душанбе, 1989. саҳ. 219. Сафаров О., Махмудов М. Оила маънавияти. Т.: 1998. – Б. 73.

¹⁵ Современные этнокультурные процессы в махаллях Ташкента. Т.: “Фан”. 2005. С.142143.

¹⁶ Хом талош – тож. “хом” -пиширилмаган гўшт, “талош” эса талашиб-тортишиб олиш деганидир